



XALQ DEPUTATLARI SIRDARYO VILOYATI KENGASHI Q A R O R I

100120, Guliston sh., Islom Karimov k, 60 uy, tel: (67)225-33-51, 225-06-78, e-mail: sirdaryo@exat.uz

2021 yil 11 fevral

106/18-6-son

Guliston sh.

Ўзбекистон Республикаси Президенти қарор ва фармойишларида, Хукумат қарорлари ва баёнларида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш ҳамда ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, Инфратузилма объектларини қуриш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида вилоят маҳаллий бюджетининг 2021 йил ижроси давомида шаклланган қўшимча манбалар ҳисобидан маблағларни йўналтириш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексининг 126-моддаси, 2019 йил 9 декабрдаги “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги 589-сонли Ўзбекистон Республикаси Қонунига асосан Сирдарё вилояти маҳаллий бюджетининг 2021 йил ижроси давомида шаклланган қўшимча манбалардан фойдаланиш мақсадида, “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонунининг 6, 24-моддаларига мувофиқ Халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти қарор ва фармойишларида, Хукумат қарорлари ва баёнларида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш ҳамда ҳудудларни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш, инфратузилма объектларини қуриш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида амалга ошириладиган харажатлар учун вилоят маҳаллий бюджетининг 2021 йил ижроси давомида шаклланган қўшимча манбалар ҳисобидан маблағ ажратиш юзасидан киритилган таклифлар **иловага** мувофиқ маъқуллансин.

2. Халқ депутатлари Сирдарё вилояти Кенгаши маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳатларни амалга ошириш ва тадбиркорлик масалалари бўйича доимий комиссиясига:

- 2021 йиллик туманлар ва шаҳарлар маҳаллий бюджетларида шаклланган қўшимча манбалари ҳисобидан камида 10 фоизини жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларга йўналтиришини назоратга олиш;

- бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши ҳамда бюджет интизомига риоя этилиши устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиш вазифаси топширилсин.

3. Вилоят Давлат солиқ бошқармаси (Ж.Ғойибов), туманлар ва шаҳарлар ҳокимликлари билан биргаликда 2021 йил учун Сирдарё вилояти маҳаллий бюджети даромадлари прогнозини ҳудудлар кесимида бажарилиши таъминлансин.

4. Марказий банкинг вилоят бошқармаси (В.Тураев) тижорат банклари билан биргаликда, банкдан ташқари нақд пул айланишини кескин камайтириш ҳамда иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловларни муддатида тўланиши юзасидан барча чораларни кўриб борсин.

5. Вилоят маҳаллий бюджети маблағларининг тақсимловчиларига ва вилоят ҳокимлигига Сирдарё вилояти маҳаллий бюджетининг параметрларида ажратилган маблағлар ижроси тўғрисида ва вилоят маҳаллий бюджетининг кўшимча манбалари ҳисобидан ажратилган маблағлар тўғрисида ҳисоботларни Халқ депутатлари вилоят Кенгашига тақдим этиб бориш вазифаси юклатилсин.

6. Мазкур қарор ижросини ташкиллаштириш ва назорат қилиш вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Каримовга ва Халқ депутатлари вилоят Кенгашининг маҳаллий бюджетни шакллантириш ва ижро этиш, иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш ва тадбиркорликни ривожлантириш масалалари бўйича доимий комиссияси раиси У. Сотиболдиевга юклатилсин.

Кенгаши раиси



Ғ. Мирзаев

Халқ депутатлари
Сирдарё вилояти Кенгашининг
2021 йил 11-февралдаги
106/18-6-сонли қарорига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президенти қарор ва фармойишларида,
Хукумат қарорлари ва баёнларида белгиланган топшириқлар ижросини
таъминлаш ҳамда ҳудудларни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш,
инфратузилма объектларини қуриш ва аҳоли турмуш фаровонлигини
ошириш мақсадида амалга ошириладиган харажатлар учун вилоят маҳаллий
бюджетининг 2021 йил ижроси давомида шаклланган қўшимча манбалар
ҳисобидан маблағлар ажратиш тўғрисида**

млн.сўмда

Т/р	Кўрсаткичлар	Маблағ
1	Сирдарё вилояти туман ва шаҳарларда маҳалла фуқаролар йиғиларига бино қуриш билан боғлиқ харажатлари учун	6900,0
2	"Сардоба сув омбори" да юзага келган фавқулодда ҳолат натижасида Сардоба, Мирзаобод ва Оқолтин туманларида мелиорация объектларини таъмирлаш-тиклаш билан боғлиқ харажатлар учун	Лойиҳа-смета хужжатларига асосан
3	Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарор, Фармон ва баёнлари асосида жиноятчиликка қарши курашиш, унинг барвақт олдини олиш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада яхшилаш мақсадида вилоят ички ишлар бошқармаси тузилмасига қўшимча киритиладиган ички ишлар органлари таянч пунктлари профилактика инспекторлари штат бирликларини сақлаш (иш ҳақи ва бошқа харажатлар) билан боғлиқ харажатлари учун	Аниқ ҳисоб-китобларга асосан
4	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 17 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси гидрометеорология хизмати фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4896-сонли қарорининг 8-иловасига асосан Сирдарё вилояти ҳокимлиги томонидан Сирдарё вилояти гидрометеорология бошқармасига автомашина олиб бериш харажатлари учун	Шартнома асосида
5	Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2021 йил 13 январдаги 02-147-сонли топшириғига асосан вилоят ҳокимининг ўринбосарларининг даволаниш харажатлари учун	Аниқ ҳисоб-китобларга асосан
6	"Обод қишлоқ ва "Обод маҳалла" дастурини амалга ошириш харажатларига	Лойиҳа-смета хужжатларига асосан
7	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020-йил 9 мартдаги 134-сонли "Кичик саноат зоналари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорининг 10-бандига асосан "Кичик саноат зонаси" Дирекцияси фаолиятини молиялаштириш билан боғлиқ харажатларга	Аниқ ҳисоб-китобларга асосан
8	Ўтган йилларда вилоят маҳаллий бюджети қўшимча манбалари ҳисобидан қурилиш, таъмирлаш ишлари олиб борилган объектлардан юзага келган 5% кредитор қарздорликларни қоплаш харажатларига	Аниқ ҳисоб-китобларга асосан
9	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 26 декабрдаги 1047-сонли қарорига асосан вилоятдаги турар ва нотурар жой бинолари бузилаётган жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш учун вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги "Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш" бўйича ҳудудий жамғармага маблағ ажратиш харажатларига	1000,0
Жами:		7900,0